

Бақара сураси, 88-оят

08:20 / 14.10.2017 4362

Ва: «Қалбимиз ғилофланган», - дейишар. Йўқ, ундай эмас, куфрлари сабабли Аллоҳ уларни лаънатлаган. Бас, озгинагина иймон келтирурлар. Бақара 88.

Яхудийлар Исломга даъват қилинганларида:

«Қалбимиз ғилофланган», яъни унга даъват кирмайди, янги даъватчини қабул қилмайди», – деб айтишар эди. Аллоҳ таоло ушбу оятда уларнинг бу гаплари ёлғон эканини фош этиб, ҳақиқатни баён қилмоқда. Ҳақиқат нима? Ҳақиқат шулки:

«...куфрлари сабабли Аллоҳ уларни лаънатлаган».

Яъни улар аввалдан куфр келтириб, иймондан қочиб юрганлари учун Аллоҳ уларни лаънатлаб, раҳматидан қувиб, ҳидоят неъматидан маҳрум этган. Шу сабабдан улар иймонга кела олмайдилар. Агар мабодо келсалар ҳам,

«Бас, озгинагина иймон келтирурлар».

Қуръони Каримнинг ушбу жумласи мўъжиза бўлиб чиқди. Ҳали-ҳануз яхудийлар юқоридаги қуръоний сифатлашга мос бўлиб турибдилар.